



ТЕРРОРИЗМ-АСР ВАБОСИ

Унга қарши курашамиз керак бўлса, жонимизни фидо қиламиз

Шу йил 11 сентябрь куни терроризм ўзининг жirkan башарасини яна бир бор тўлиқ намойиш этди. Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларидаги йирик биноларнинг портлатилиши оқибатида қанчадан қанча қурбонлар берилди.

Аср вабосига айланган терроризмнинг «рахномалари» унинг касофати югурдақларини юртимиз фуқаролари лаънатлаштиради. Кўпчиликнинг фикри қатъий: тинч ҳаётимизга таъовуз қилмоқчи бўлган шумқадамлар жазосини олиши шарт. Бунинг тахририятимизга узлуксиз келиб турган хатлардан ҳам билса бўлади.

«МАНҚУРТ»ЛАР ЎЛИМ ТОПИШИ МУҚАРРАР

Террористларни «манқурт»ларга қийслашим керак. Чунки улар ўз ҳужайнларини измидан чиқармайдиган, ҳеч нарса идрок қилмай, фақат буйруқни қўқона бажарадиган инсон қиёфасидаги ҳайвонлардир.

«Манқурт»лар ишдан эса, неча минглаб беғунох одамлар ҳалок бўляпти. Уларнинг эс-хуши бўлса, лоақал шулар ҳақида ўйлаб қўйишмасмиди? Ҳужайнларининг эса мақсади бошқа. Одамларни ўлдириб, мамлакатларда парокандалик қўлиб чиқариш билан нон қозониш, қўрқитиш орқали ҳокимиятни қўлга киритишдир.

Ўзбекистондаги 1999 йил 16 февраль воқеалари бунинг оқибати бўлди. Хулоса шуки, терроризмга қарши доимо ҳушёр муносабатда бўлишимиз, шу билан бирга қатъий курашимиз лозим. Ана шунда уларнинг боз кўтаришига йўл қўймаган бўламыз ва ҳалқимизнинг тинч, оқилона ҳаёт кечиришига замин яратамиз.

Рустам Бегалиев,
Ўзбекистон «Адолат»
СДП Сурхондарё вилояти
Кенгаши биринчи котиби.

ЮРТМИЗ ТИНЧЛИГИ КАФОЛАТИ

Ҳозир кўпчиликнинг фикри-қарори Афғонистондаги воқеаларга қаратилган. Матбуот, аниқсиз, телевидение ахборотлари ҳаммамизни диққат марказида. Чунки АҚШда содир бўлган терроризм тўғрисида мамлакат жиддий зарар кўрди. Аниқсиз, қанчадан-қанча беғунох одамларнинг қони тўкилди. Ҳозир ана шу террористларнинг ушунинг куралиши бўйича Америка ва Буюк Британия ҳарбийлари ҳарбий ҳаракатлар ўтказишляпти.

Уруш-урушда! У нафақат террорчи гуруҳларни йўқотиши, балки мамлакат иқтисодиини издан чиқариши, одамларнинг турмуш даражасини пасайтириб юбориши аниқ. Менимча, терроризмга қарши аввалроқ жиддий эъти-

Маркс Бойимбетов,
Ўзбекистон «Адолат»
СДП Хоразм вилояти
Кенгашининг иккинчи котиби.

ОСОЙИШТАЛИК ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ

Мен яқинда дўстимизнинг тўйида иштирок этдим. Тўйинг дастурхон. Ҳаммамиз дилида шоду-хушамлик. Тинч, осуда ҳаёт наъсида, Юртбошимиз олиб бораётган халқларар сибсат натижаси, дея ўлайдим шу дамда.

Ваҳоланки, муқаддас юртимиз сарҳадларидан озгина нарида — Амударёнинг у қирғиғидаги Афғонистон юртида уруш, очлик, муҳтожлик, қасаллик ёна-ён. Ахир у ердаги ҳаёт фаровон, бахтли яшашлари мумкин эди-ку!

Аслида бундай қирғинбаротга Афғонистонда ин қурган террорчилар айбдор. Улар ҳалқни эмас, ўзларининг нопок ниятларини амалга оширишни ўйлаб, дам у ерда, дам бу ерда бузғунчилик билан шуғулланмоқдалар. Аммо террористлар ниятларига етишолмайдилар.

Сабаби Президентимиз айтганларидек, «Бутун инсонни-

ятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашда ҳеч қандай қайси давлат четда қолмаслиги табиий».

Бу гапларга жавобан фикрим қатъий. Юқоридаги тўйлар, тўйинг, соҳиллик, оқилоналик осмондан тушмайди. Бунинг учун ҳақиқат ҳушёр турамиз, Юртбошимиз айтганларидек, курашамиз, керак бўлса жонимизни фидо қилишимиз лозим.

Шерзод РИХСИЕВ,
Тошкентдаги 3-автокорхона ҳайдовчиси.

ЯҚДИЛЛИК ВА АҚЛ ЗАКАВАТ БИЛАН

Ҳар қуни қўллаб фуқаролар билан мулоқотда бўламиз. Юртдошларимизнинг тўйларига қарши кураш борасида яқдил эканликларига гувоҳ бўламиз. АҚШ даги муҳим воқеалардан сўнг террорчиларнинг ўзуси башараси тўла-тўқис намойиш бўлди. Бу ўзуси қўлга қарши биргаликда кураш олиб бориш зарурлигини ҳар бир инсон тўғрисида аниқ.

Мазкур воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Президентининг Баёноти ҳар бир кишининг юрак-юрағига етиб борди. Қалбидан ўрин олди, десам муболаға бўлмас. Баёнотдаги қўйдаги жумлалар гонда тушунарлидир: «... қачонгача бундай ўзуси таҳдид оstonамиз олдида, бошимиз устида бало-қазо бўлиб туради? Бу кураш йўлида яна қанча қурбон беришимиз керак? Халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт қуришга қаратилган лозим бўлган яна қанча қанча маблағ ва ресурсларимизни ана шу курашга сарфлашимиз лозим?»

Мисол тариқасида айтмоқчиман, илм-маърифат учун давлат томонидан қанчадан-қанча маблағ сарфланганлигини қўйиб-қўйиб турибмиз. Худудимизда ўндан зиёд ўрта мактаб, аниқ фанлардан чуқур билим беришга йўналтирилган лицей-интернат бор. Бу даргоҳларда илмга ташна, эртанги бахтли ҳаёт ва фаровон турмушдан умиддор фарзандларимиз қамол томоқда. Бундан ташқари қўз ўнгимизда замон талабларига мос мутахассислар тайёрлаб берадиган коллежлар қад ростламоқда. Р. Рўзиевнинг таъкидлашича, фуқаролар йиғини ҳудуддаги Корасув, Роватқ, Галаботир кишлоқларини зийлилар маҳалласи деб аташди. Мазкур кишлоқлардаги ўзуси-мураббийлар қўлида таълим-тарбия топиб, етук мутахассис бўлган инсонларни юртимизнинг девори ҳар бир нуқтада учратиш мумкин. Хулоса қилиб айтиш жоизки, илм-маърифат билан ошмо, ҳамқадам бўлган одамларни иш-иш, буюхтон чалғита олмас экан. Зағуният, яқдиллик, маърифат бор жойда адолат ҳақида таъна қилиш.

Раҳмат РЎЗИЕВ,
Ўрта Чирчиқ тумани
Корасув фуқаролар
йиғини раиси.



Дунёда тинчликдан муқаддас, улғурок нарсаси йўқ. Юртимиздаги бугунги бекиёс ўзгаришлар, янгиланишлар, эришилган ютуқларнинг тағ замини ҳам бевосита тинчлик-осойишталик билан боғланган. Бунёдкор халқимиз яратувчанлик йўлидан бориб юртимизни янада гуллаб-яшнашига, келажак авлодга озода обод Ватан қолдиришга бел боғлаган. Бугун ана шу улғур ниятлар рўёбга чиқиб жонжон диёримиз тобора чирой очиб борапти.

СУРАТДА: тинч ва оқилона меҳнатнинг наҳидасини сураётган Сурхондарёлик ҳайдовчи Тўра Ғуломов доимо шу азиз юртнинг фарзанди эканлигиндан фойдаланади.

Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

АМЕРИКА МУСУЛМОНЛАРИ АКСИЛТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси матбуот хизматининг «Туркистон-пресс» ахборот агентлигига берган маълумотига қўра, Америка оммавий ахборот воситалари ислом таълимотида чуқурроқ ёрита бошлади.

Америка ва Британия қуролли қўдалари томонидан Афғонистондаги террорчилик ўчоқларига берилган зарбалардан сўнг Америкадаги етакчи муслмон ташкилотлари Президент Ж. Буш томонидан бошланган террорчиликка қарши кураш ҳаракатини қўллаб-қувватлашларини билдиришди.

Америка муслмонлари иттифоқи (АМИ) ҳукуматнинг халқаро террорчиликка қарши кураш чораларини қўллаб-қувватлаб, мамлакатда қилинган таъвоуларни қоралашини маълум қилди. Шунингдек, Америка — Ислам муносабатлари Кенгаши ҳам террорчиликка қарши кураш ва мамлакат фуқароларини таъвоудан ҳимоялаш ҳаракатини қувватлашларини билдирди. Америка муслмонлари 11 сентябрь куни амалга оширилган муҳим ҳаракатларга жавобан берилаётган зарбалар ўзини оқлашнинг маълум қилишди. Мазкур ташкилотлар Президент Ж. Буш томонидан ваъда қилинган АҚШнинг тинч афгон ҳолисига зарар етказмаслик ҳамда уруш ва очликдан азизат чекаётганларга ёрдам бериш борасидаги саяё-ҳаракатларини маълумлашди. Улар Бушнинг,

ушбу уруш исломга эмас, террорчиликка қарши қаратилган, деган сўзларини тақдорлашди.

Айни пайтда Америка оммавий ахборот воситаларида ва жамоатчилигида исломнинг асосий қондалари, тарихи ва амалиёти тўғрисидаги маълумотларни билишга бўлган қизиқишининг ортаётганлигини кузатиш мумкин. АҚШ телевидение юдзуи Опра Уинфри «Ислам тўғрисида 101 савол» ток-шоусини ўтказди. Унда ислом бўйича мутахассис-олим, Иордания қироличаси Рания, Покистоннинг АҚШдаги элчиси, оддий америка муслмонлари иштирок этиб, ўзлари мансуб динга оид фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Араб-Америка институты маълумотларига қўра, АҚШда 6,7 миллион америкалик муслмонлар истикомат қилиб, уларнинг 40 фоизини афроамерикаликлар ташкил этади. Мазкур институт мутахассисларининг таъкидлашича, 30 фоиз америкалик муслмон оила-ларидан қамада биттасининг келиб чиқиши араб мамлакатларига бориб тақалади.

Президент Бушнинг америка халқига қилган мурожаатидаги АҚШ ислом динини ҳурмат қилади, деган сўзлари ҳеч қандай шубҳа туғдирмади. Террорчиларнинг ашаддий қисми ва уларни қўллаб-қувватловчи мамлакатлар бизнинг душманамиз, деди АҚШ Президенти.

АМЕРИКА МУСУЛМОНЛАРИ ПЕШВОСИ ТЕРРОРЧИЛИКНИ ҚОРАЛАМОҚДА

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси матбуот хизматидан берилган маълумотга қўра, Америка муслмонлари кенгаши раиси Яхё Баша Президент Бушнинг террорчиликка қарши уруш эълон қилиш ҳамда Америкадаги муслмон ва араб жамоаларини этник таъкиддан ҳимоя қилиш бўйича қўраётган тезкор ва қатъий чораларини маълумлашди.

Биз америкалик муслмонлар, Қўшма Штатларда қилинган ушбу таъвоуни ўзини-ҳа нисбатан уштортирилган зуравонлик сифатида қабул қилдик. Мазкур террорчилик ҳаракатлари натижасида қўп одамларимизнинг йўқотилди. Биз америкаликларимиз ва шу мамлакатнинг бир қисми ҳисобланамиз, дея таъкидлади Я. Баша. Биз Жорж Буш томонидан Америкада истикомат қилувчи муслмон аҳолини ҳимоялаш борасида олиб борилаётган ишларни қўллаб-қувватлаймиз. Террорчилик ҳаракатларидан сўнг Ж. Буш Яхё Баша ҳамда Америкадаги бошқа мусл-

мон ва араб ташкилотларини етакчилари билан бир неча марта учрашди. Унинг айтишича, муслмон ва араб жамоалари террорчилик таъкидига қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига қўмаклашиш таклифи билан чиқидилар.

Улар террорчиларни ушлашда асқотилиш мумкин бўлган тилмочлик ва бошқа ишларда ўз ёрдамларини тақдир этдилар. Ҳақиқий ислом таълимотидаги зуравонлик ва террорчиликка ҳеч қандай алоқаси йўқ, деди Я. Баша. Чинакам ислом уламолари Афғонистон тоғларидан юрган диний пешволардан раҳаматлиқни ўз қўларига олишлари лозим. Унинг қайд этилишича, ҳажрон бўйлаб қўлгина ислом уламолари ушбу террорчилик ҳаракатларини қоралаб, ўз халқларини унга қарши курашга чақирмоқдалар.

«Туркистон-пресс».

«Биз тинчлик ва оқилоналикни, озодалик ва адолатни юксак қадрлайдиган, тарихнинг барча оғир синовларидан мардона ўтиб, ҳақиқатга мағрур яшашга ўрганган халқимиз. Жалолиддин Манғуберди, Амир Темур сингари буюк зотларнинг авлодлари, ўз она юртимизда озода ва мустақил яшашга ҳақлимиз. Ватанимизни кўз қорачиғидай асраб, элимиз, юртимиз шаънини, ор-номусимиз, қадриқимматимизни, мунис оналаримиз, аёлларимиз ва қизларимизни ҳимоя қилиб, матонатли миллат, буюк ва жасоратли халқ бўлиб яшашга муносибмиз.

Ислом КАРИМОВ.

АДОЛАТ ЖАҲОЛАТНИ ЕНГАДИ

АҚШнинг Афғонистонда террористик тўдаларни йўқ қилиб ташлаш мақсадида бошланган ҳарбий амалиётини нафақат тинчликсевар дунё аҳли, балки Афғонистон халқи ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Шу кунларда дунё аҳлининг, таниқли сиёсатдонлар, оммавий-ахборот воситаларининг ўткир нигоҳи Афғонистон ва унинг атрофидаги мамлакатларга қаратилган. Албатта, фикр-қарашлар, таҳлилий жараёнлар турлича кечиши мумкин. Аммо ўзига чоҳ қазиган халқаро террорчилар исканжа ичида...

Дунё харитасига на- зар ташлайдиган бўлсак, Афғонистон ва Тожикистон ўртасидаги географик масофа 1400 километри ташкил этса, бу масофа узунлиги республикамизнинг жанубий сарҳадларида 80 километри ташкил этади. Сурхондарё вилоятининг Термиш шаҳри, Ангор, Шеробод, Музробод туманлари ва ана шу географик масофада жойлашган. Вилоятда оқилоналик ҳуқмрон. Сарҳадларимиз мустаҳкам. Чегара қўшилларимиз мутантанга қилаётганидан ва ҳушёрлик билан қўриқламоқда. Собит ва аскарларимиз зиммаларидаги мажбуриятини бугун янада ҳушёр хис этишган.

Мухтарам Президентимизнинг «Ўз уйингизнинг асра», — деган даъватлари халқимизни бугун янада ҳушёрликка чорлаган. Юртбошимизнинг Баёнотлари, республикамизнинг барча вилоятларида бўлгани каби Сурхондарёнинг ҳар бир меҳнат жамоаси, ўқув юр-тлари масканларида тахлил қилиниб, чуқур татқиқ хулосалар чиқарилади. Бу Баёнот халқимизни янада ҳушёрликка чақирувчи, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга бўлган даъватдир.

Муродулло ШОМУ-РОДОВ — Сурхондарё вилояти Музробод туманида яшовчи, кекса пахтакор:

— Биз яшаб турган қишлоқ шундоқ Амударёнинг яқинида. Афғонистон билан қўшни.

Алпкомат чегарачиларимиз бор. Уларнинг сергаклиги, шижоатларию, ғайратларини қўриб ОНА-Ватанимиз шундай мард ва жасур ўғлонларига эга эканлигиндан гурурланиб кетаман.

Улғубек МУХИДДИНОВ, — Ўзбекистон Давлат Мулки қўмитаси «Давинкон» ДИФ Сурхондарё вилояти филиали директори:

— АҚШнинг Афғонистон аҳолисига қўрсатаётган инсонпарварлик ёрдами адолатли ҳаётли устидан тантана қилаётганидан нишона эканлигини қўрсатмоқда.

Узоқни қўролмаган базис чет эллик сиёсатдонлар, муҳбирлар бизга бўхтон отишдан қўра ўзларини инсофга чақирсалар бўларди. Халқимизнинг тарихий таърибаси етарли. Кўпгина синовларни келбдан кечириб келганмиз. Миш-мишлар, уйдирмалар оқни оқ қорани қора деймиз.

Ха, Сурхондарёда меҳнат кўтаринчилиги ўзгача. Байрамона манзараларга бурканиб нурдек чирой очаётган Термиш шаҳри эса кечаю-кундуз меҳмонларни бағрига олиб, 2500 йиллик тўйини нишонлаш арафасида. Термишликларнинг қайси бири билан суҳбатлашмайлик, мамлакатимиз тинчлиги ва тараққиёти йўлида астойдил меҳнат қилаётганини фойдаланиб гапирмоқдалар.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат» муҳбири.

ОЛГҲИР ҚЎЛЛИ МАНСАБДОР, ҚИНҲИР ИШДАН МАНФААТДОР

Инсоф-диёнатли, меҳр-муруватли одамлар етим-есирлару бева-бечораларга, ёлғиз қариялару ногиронларга саховат қўлини қўзадилар. Уларга меҳрибонлик кўрсатадилар. Бу ҳукумат сиёсати даражасига кўрсатилган. Аммо, бу инсонпарварлик билан йўрилган тўғри сиёсатни англай билмаётган, ўзининг ҳузуру-ҳаловатини, шахсий манфаатини қўйда қинғир йўлга кириб жонот содир этганлар ҳам учраб қолаётганидан ташвишланасан киши. Нега шундай бўляпти? Шайтоний нафса мағлуб бўлганлар қимлар?

Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги тизимида шундай текинхўрлар чиқиб қолди. Алоқа бошқармаси ва унинг жойлардаги тармоқлари раҳбарлари ҳамда моддий жавобгар шахслари томонидан кекса ва ногиронларнинг нафақа пулларини хизмат вамафаларини суиистеъмол қилиб ўзлаштиришган, талон-тарожликларга йўл қўйишган. Оқибатда ихти-моий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламнинг ман-

Қизирқў тумани почта алоқа бўлимига қарашли «Тақия» бўлими хабарчиси Ж. Холмуродов ҳам шундай олғирлардан чиқиб қолди. У 2001 йил март-апрель ойлари учун ўзига ишониб топширилган нафақа пулларидан 464,5 миң сўмини шахсий эҳтиёжга ючун ишлатиб юборган. Шу почта бўлими бошлиғи Р. Жўраев жорий йилнинг апрел-август ойлари учун нафақа пулларини ўзининг моддий жавобгарлигига қабул қилиб олиб, шундан 314,6 миң сўмини нафақахўрларга тарқатмасдан, хужжатларга қалбаки имзолаб қўйиб, шахсий манфаати йўлида фойдаланган. Шунингдек, Термиш туманидаги «Уққизил» почта филиали операторлари С. Раҳимназаров, Ю. Маматов, Н. Қурбоновлар ҳам ўз хизмат вамазифасини суиистеъмол қилганлиги сирини очиб қолди. Улар жорий йилнинг май ойи учун пенсионерларга тўлани-

ши лозим маблағлардан турли усуллар билан ўзлаштиришган.

Халоллик ва поклик йўлидан адашганлар қонуний жазосини олишлари муқаррар.

«Бешробод» почта бўлимининг «Ғўжоб» алоқа бўлими Навоий вилоятининг Навбахор туманида жойлашган. Бўлимда матбуот тарқатувчи бўлиб ишлайдиган Б. Солиевнинг қинғир ишлари бошқаларникидан ҳам ўтиб тушди. У 2000 йилдан 2001 йилнинг то август ойига қадар пенсионерларнинг нафақа пулларидан 571,4 миң сўмини ўзлаштириб юборган. Наҳотки, шунча вақт унинг фаолиятини ҳеч қим назорат қилмаган бўлса? Прокуратура ҳодимларининг ҳушёрлиги қўл келиб, текинхўр турғи илдинди.

Бошқалардан кўпроқ ойлик олса, топар-тутармон бўлса, яна нафақахўрлар



ҳақиқа хийнат қилганини қаранг-а! Ундайларда виждон борми ўзи, уят эмасми? Турғи, ҳалол ва самийий инсонларнинг қўлини очилганидан ўз манфаатини йўлида фойдаланувчи пастиқашлар қилмишларига яраша жазоларини олишавари. Халолнинг душмани ҳаром бўлса ҳам, охири-оқибат эзгулик, яхшилик қилганидан асл наиятилари очилаверади.

Арнасой туманидаги «Янги буюстон» алоқа бўлими мудири А. Қурбонов 24 нафар нафақахўрларга тўланиши лозим бўлган 137,4 миң сўм нафақа маблағини пинҳона ўзлаштириб юборган. Нафақахўрларнинг имзоларини қалбақлаштирган. У оддий меҳнатқашларнинг нафақаларини ўз вақтида бериш, уларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш урнига уларнинг ҳаётиига чанг солган. Мана энди у шарманда бўлди. Эл-юрт, маҳалла қўй олдида юзи ерга қаради.

(Давоми 2-бетда).

Хушхабар ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Тошкент вилоятининг аҳдиға содиқ пахтакорлари сўзларининг устидан чиқидилар. Улар бу йилги мавсумни уюшқоқлик билан ўтказишгани туфайли — 30 иш кунини давлатга пахта сотиш режасини бажаришди.

Она-Ватан Тошкент вилояти заршуносларидан 275 миң тоннадан зиёд саноат хом ашёси қабул қилиб олди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакики, бу йилги тайёрланган пахтанинг асосий қисми юқори навларга сотиладилар. Ҳар гектар ердан териб олинган ҳосил 27,4 центнерни ташкил этди.

Президентимиз Ислом Каримов Тошкент вилояти пахтакорлари, барча меҳнатқашларига йўллаган табригида таъкидла-

нидек, бу йилги мураккаб шароитда эришилган 275 миң тоннадан зиёд саноат хом ашёси қабул қилиб олди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакики, бу йилги тайёрланган пахтанинг асосий қисми юқори навларга сотиладилар. Ҳар гектар ердан териб олинган ҳосил 27,4 центнерни ташкил этди.

Тошкентлик пахтакорлар давлатга яна қўшимча 15 миң тонна «оқ олтин» топшириб, ялпи хирмонни 290 миң тоннага етказиш учун теримни қизгин давом эттиришмоқда.

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ

Таниқли ёзувчи ва шоир Олимжон Бўриевни кўпчилик яхши билади. Унинг кўплаб дoston ва шеърли романлари аллақачон мухлислари қалбидан жой олган. Шунинг учун ҳам муштарийлар ижодкорнинг ҳар бир янги асарини интиқ-

лик билан кутишади. Яқинда Олимжон Бўриев машҳур шоиримиз Абдулла Орипов ҳақида «Мангулик манзумаси» номли янги достонини ёзиб тугатди. Қуйда ушбу асардан намуна эълон қиламиз.

1941 йил,
Некўз қишлоғида туғилган ўғил!

Оталари Ориф меҳнаткаш — деҳқон,
Фарзандлари учун кўйдирарди жон.

Турдинчо ая воқоидай зор,
Ҳамда уч суякчи акиси шевор:

Абдуҳалил эди агроном — раис,
Рехани бажарар эди юз фоиз!

Абдуразақ ила ҳамда Меливой,
Самарқанд — Қаршида сирни бермай бой,

Олий мактабларда берарди таълим,
Иккиси ҳам эди устоз муаллим.

Некўзнинг шарқиди бўлиб Кўнгиртов,
Бу тоғда урлар сачратиб олов,

Тўғқлари ила тоғ бағрин тешиб,
Еларди ёлларин ҳар томон эшиб.

Кўю кўнжочу эчкилар маъраб,
Бу ҳолдан кишининг юраги яйраб,

Хуллас, ширин эди бу жойда турмуш,
Шойрона ҳаёл сурмоқлик на хуш!

«Кўкчатовдаги ул кўк камзул оху,
Шоир ҳаёлидан утаркан ёху,

Оёғида эди қизил этикча,
Издан эргашди боши этикча».

Шоир гар шунчаки қиларди ижод,
Унинг ҳар бир сатри эди кашфиёт!

Кичкина жуссални навқирон шоир,
Шеър айтиб қалбининг ҳужмига доир.

Мухлисларин қила борганида жам,
Бунинг ёқимасиди ҳар аҳли қалам!

Айниқса баъзи бир амалдор, номдор,
Жилдиқлар нашр этган баъзи пири қор!

Мушоралар чоғи ўқиганда шеър,
Нисбатан бўларди баланд қадри ер!

Номларин айтмасан палону пистон,
Шоир таъбири-ла шўрли оломон.

Нортуя тиз чўқар гоҳида истга,
Шуҳрат яқин келмас ҳар таъби хитга!

Шуҳратга ўч асли бор аҳли санъат,
Шуҳратун-офатун, шуҳратга лаянат!

Афсус ҳар истеъдод қозонса шуҳрат,
Унга имкон берса соҳиб қудрат,

Шуҳрат гадолари пойидан йикар,
Ошқору пинҳона унга зид чикар.

Асли шов-шув эмас, қилинган ижод,
Тарихда қолгай-ку содда одамзод!

Нечун бир-бирини қўлламай чалиш,
Сигдирмаслик нечун, нечун ҳайдалиш.

Баъзи истеъдодлар топмасин деб шон,
Бермасинки ишлаб ёзишга имкон.

Камситилар эди ё паст хизматда,
Улар бўлишмасди обрў-иззатда.

Шоир талабалик йиллар юрмай жим,
Дилдада жўш урғач шеърят-тилсим.

Қудратли қошида бўлиб тўғарак,
Унда омадини синиб ёш юрак,

Илк бора шеърини ўқиди «Арча»,
Эшитганлар қойил қолдиш барча!

Шеър мазмунини эди гоёт таъсирчан,
Ёғилди шоирга қарсақлар, аҳсан!

«Товатшо йўнғунчи уста ногаҳон,
Қовдан бир тошини ажратган замон,

Қўлдан силжиб кетиб пастга банагоҳ,
Ёш арчани босиб қолади, эй воҳ!

Йиллар ўтар экан бир-бир айланиб,
Уста тош олишга яна шайланиб,

Келганда кўради ул мажруҳ арча,
Товатшони, тешиб, очганча дарча,

Қўтариб турарди боши узра, бас,
Матонатига у қилади ҳавас».

Шеърда бор эди қатта муволаба,
Ёш шоир мантқан интилиб ола,

Аллоҳ қудратини айлаб намойиш,
Зимдан ўсди кўрмай ҳадикку қойиш!

Истаас омонда бўлади жойинг,
Истаас омондан келади пойинг!

Юрганда бўйсунмай харахша ила,
Намурудин ўлдирди бир пашша ила.

Аллоҳ деган сўзини у дахрий замон,
Айтишга шоирга бермасди имкон.

Буюк табиат деб айлари қиёс,
Ҳар ким фарзанд эрур ўз даврига хос,

Мажозий ҳақиқат шоир тасвири,
Шеърини эди унинг тақдир.

Абдулла Орипов қилгудай ҳавас,
Яшади шеърят бирла ҳамнафас!

Барча шоирлар ҳам яшар шу янглиғ,
Ва лекин уларни бу кўна танглиғ,

Турфа кўчаларга солиб юборгай,
Улар баъзан мисра тузишдан ҳоргай!

Ё айтган сўзига қилмағай амал,
Ёки ёзишолмас ҳар доим гузал!

Ёки дейилганда чойхонада ош,
Ешишдан шу маҳал узишадан бош.

Ёки ўзгаларга айлашар тақдир,
Ўз назм йўлини яратмай ахлит.

Ёкини ёзиш билан энгил ашула,
Унга қидиришар «отарчи-мулла».

Чойчака, шуҳрат деб қотириб қалла,
Қатта гап айтолмас улар баралла!

Уртаҳоллик суриб назмда ҳукм,
Ўжасқабга зимдан бўларди ҳужум!

Шоирга қадалган юзлаб нигоҳлар,
Тағдир бор эди рашиқ, ҳасад, оҳлар...

Илк қарсақ лаззатини тодтидо шоир,
Ҳажондан яйраб титради дир-дир.

Билмасди бошига бамисоли қалтак,
Ҳали ёғилгайди милёллаб қарсақ.

Шеърда айтган сўзини тизарди фикран,
Шивирлаб кўярди баъзида зикран!

Гўзал сўз товланиб ихчам ва раъно,
Тағдир бўлмас салмоқли матно,

Қанотсиз шўр эрур айланган тасаввур,
Сўзда товланмас сеҳр, жоду, нур,

Маъшуқа кўнглини маст айламоса,
Ошиқни қошида паст айламоса,

Озодлик туйғусин бермас қулга,
Фикр уйғотмас шаҳси масъулга?

Бағритош қалбини айлаб мулоийм,
Улар инсоф берган каби Ўлтойим,

Шеър ҳам ўқиганлар дилин этиб пок,
Уларга бахш этса шуур ва нидок.

Абдулла шуларни ўйларди зотан,
Ёш қалби нозикроқ эди майсатан.

Майса, ниҳол янглиғ ўсиб кун сайин,
Илтифотли эди дилбар ва майин.

Ортиқча бировдан қилмай илтимос,
Қамтарин яшарди у ўзига хос.

Уйчан, сергак эди лекин ҳар маҳал,
Ҳаёлини қамраб шеър, достон, ғазал.

Иланиши эди жуда кўп давом,
Уни танигунча то элу авом.

Аллоҳ унга берган нодир истеъдод,
Бирдан шаклланиб, қилмади ижод!

Чикитдан покларан ҳар қандай маъдан,
Ҳам ишлов берилар унга дафъатан.

Кейин пайдо бўлар қандайдир метал,
Темиру қумушу олтину зарҳал.

Метал агар бўлса қанча бебаҳо,
Шунча кўп меҳнатини айлар таҳзо.

Мабодо топилса бир ноёб олмос,
Ишлов берилгайди яна унга хос!

Олмосга баъзида бор умрини сарф,
Айлағай бўлса гар зарғари шингарф.

Сўнгра Қўхмурдек тарихда қолур,
Гўзаллик санъати оламни олур.

Буюк истеъдодлар қиёсидир шуғна,
Улар камёб келар бу дахри дунга!

Топмас гар обдон оройиш, сайқал
Қўймас ўзига шуҳратдан ҳайкал!

Енгилтабиатлар йўриги осон,
Улар бирдан этар ўзини намойи.

Ялғир кўлтурлари кўриниб бир пас,
Сўнг сўниб битади ҳар енгил ҳавас!

Шоир таъби эди гавҳари ҳосдан,
Қиёсан айтганда нодир олмосдан,

Хис этиб борарди ўзи ҳам аён,
Бир кун юз беришин буюк жарайн.

Ва лекин бу ҳолат чўзилди узок,

Муаммолар қўйди йўлига тузоқ!

Буюклар ҳар доим бу дунёда кам,
Ўзга буюклардан чекмас қайғу кам.

Ҳасаддан уларга қилишмаган рашиқ,
Ҳасратдан тўқимас қўларидан ашиқ.

Аксинча беришар ёшларга ок йўл,
Уларга чўзишар мадад учун кўл.

Лекин ўртаҳолу ўртамеёна,
Шахслар бор билдирмай зимдан ҳуфёна,

Ўзидан зўрроққа бўлишар тўғон,
Ҳа, шундай йўл тутар ҳар бўйни йўқон.

Уларнинг наздида қадрсиз ҳар ёш,
Сохта ном ила қотиришар бош.

«Ильчимо» ёзган Палон Пистоний,
«Зарафшон зарларин» битган Жонаний!

«Ҳаёт чашмаси» деб ёзиб зўр достон,
Оқиллардан юрган шоири даврон!

Хуллас, бу рўйхатни эттирсак давом,
Қўларнинг номини биларди авом.

Лекин қизикмасди улар назмига,
Мажбуран боришар шеърли базмига,

Олиб қайтишарди турфа таассурот,
Баъзи ёш шоирлар сурганида от,

Одамлар диққатини қилар эди жалб,
Уни олиқларди ҳар бир уйғок қалб!

Абдулла Орипов шулар қатори,
Ижод ва ҳаётда келиб барори,

Мухлислар қалбига йўл топа борди,
Агарчи бу йўлда қарчади, хорди.

«Ҳар тонг қарилардим сени шу йўлда,
Нигоҳ ташламасдан на ўнг сўлга,

Билмам, қайларгадур шовиб ўтардинг,
Илк баҳор селидаги тошиб ўтардинг,

Мен дердим бу қизинг қайда гўшаи?»
Кимга насиб бўлғай умид гўшаи?

«Йўлларини унинг қимдир зорикми?»
О, у севгисидан бахтиёримки?..

Энди йўлларимиз тугиди кўп йироқ,
Қайдасан қалбини тирнаган суроқ?

Қайдасан илҳом бахш айлаган олар?!
Мени маъна айлалғай бахру тўғонлар,

Сенсиз мен бокмасан ўзга бир қизга,
Қўйилди кетгайман тубсиз денгизга!

Қайдасан, эй дилми овланган оқуш,
Мен сени этолмай дилдан фароуш.

Қолган умрим ўтар гапу ҳижронда,
Кезар ўз Махжунинг ҳасрати қонда,

Мухаббат дилларга бир келар баҳор,
Инсон қалбидан у кетмаган доғдор...

«Қалбим буюрмас бирор сўзни ҳам,
Ёмсанман ҳеч қачон» юритиб қалам.

Ёш шоир шундоқ деб айлаб ташқурур,
Бирдан ҳаёлида жилваланди нур:

«Мен нечун севаман Ўзбекистонни...
Нечун Ватан дея еру осмонни,

Тупроғин кўзимга айлаб тугий,
Мўлласас атайман, атайман танҳу.

Халқим, тарих ҳукми сени агарда»,
Жойингиз ўзгартса бу бахру барда.

«Мангу музикаларга элган бўлсайди,
Қорлиқларини макон этган бўлсайдинг,

Мехрим бермасидим ўша музларга?»
Бугун дил қўйгандек дала-тузларга.

«Ватанлар, Ватанлар майли гулласин,
Юртим, сени факат бойилларинг-чу,

Севган фарзанд бўлсам кечирма асло,
Бог унинг мангулик музда ҳам аммо».

Шоир тугилса гар чўкча ёнида,
Чўкчани севарди ўз имконидида.

Бир тимсол элини севамакка далил,
Бу калом элган бўлмоқлик халил.

Шеърнинг тарбиявий ўғитидир бу,
Ўз элини севсан ҳар кимса мангу!

Лекин ўша пайтда бу гапни айтиш,
Эмасди шунчаки осон ва жўн иш,


«Буюк оиллага бас, келтириб шак,
Нечун айри холда Ватанин севам,

Дея қилишларди шоирга зўғум,
Ич ва ташдан бўлди куноро ҳужум.

Олимжон БҮРИЕВ.
(Давоми бор).

Бугун жонажон дибри-
мизда ёшларга катта
ишонч ва умид билан
қаралмоқда. Уларнинг эр-
танги қўнимизнинг муно-
сиб кишилари бўлиб ети-
шишлари учун барча
шарт-шароитлар ярати-
либ берилган. Айниқса,
кейинги йилларда ишга
туширилган бир-биридан
кўрам ва замонавий ли-
цейлар, коллежлар бунинг
ёриқли далилдир. Шунга
монанд бугунги бахтиёр
ёш авлод ҳам ватанимиз
учун муносиб фарзанд
бўлиб етишиш йўлида
кунт ва сабот билан илм
чўққиларини эгалламоқ-
да.

СУРАТДА: «Ковчин»
касб-хунар коллежи тала-
балари Венера Хидирова,
Содиқ Мелиев ва Улуғбек
Очиловлар.



ДҲСТИКНИНГ ЧЕРТИБ ДУТОР ДҲМБИРАСИН...

1958 йилнинг ёз ойи. Тошкент Давлат педагогика институтининг та-
рих-филология факультетига кириш имтиҳонини топириш аини авжи-
да. Ишодан аёло баҳо олган қора сочи жингалак, кўзлари қақнаб тур-
ган ўсмир йигит олдинги ўриндиқда навбатдаги оғзаки имтиҳон савол-
ларига бурро-бурро жавоб бермоқда. Бир пайт адабиётдан имтиҳон
қабул қилаётган алп гавдали, гапирганда овози хонани ларзага келти-
радиган кўзойнакли муаллим унга нигоҳ ташлаб:

— Ҳой бола, истаранг иссиқ экан. Сени қаерда кўрган эдим? — дея
савол берди.

— Ўтган йили фанлардан тўплаган балим етмай қолиб, конкурсдан
ўтолмай қолган эдим. Шу йил катта тайёргарлик кўриб ўқишга киришга
аҳд қилиб келдим, — дея ўспирин ҳам дадил жавоб берди.



Ўспириннинг жавобидан қанот ҳосил
қилган адабиётшунос олим, устоз энди
унинг шеърятга мушоада юритишини
билмоқ бўлиб:

— Қани, Александр Пушкиннинг «Си-
бирга мактуб» шеърининг сўнги тўртли-
гининг мазмунини айтиб берчи? — деди.

Ўсмир олдин шоирнинг мазкур шеъ-
рини ёд ўқиб, сўнги сатрларига алоҳида
урғу бериб, мазмунини очиб беришга
ҳаракат қилди. Жумладан, шеърни ум-
минсоний тафаккур ҳижатидан адабиёт
назарияси асосида таҳлил қилиб: киши
Озодлик, Мустақиллик, Адолат, Эркин-
парликке эзгу ишдаги мардонавор ку-
рашда қанчалик заҳмат чекиб, азоб-ўқубат
тортса ҳам тушқунликка тушмай, қаддини
баланд кўтариб, олдинги интилиб юр-
са, унинг юксак орусчининг ушловиш мук-
рар эканлигини қайд этди.

Шу кунги имтиҳондан ва кейинги им-
тиҳонлардан ҳам «аёло» баҳо олган ўсмир
юқори балл тўплаб, конкурсдан муваф-
фақиятли ўтиб, талабалик бахтига мус-
сар бўлди.

Ўқиб давомиди билимга чанқок ўспир-
ин муаллимларнинг ҳам эътиборини ўз-
ига торта бошлади. Ниятулла Бозорбоев,
Меҳметас Мирзахметов, Алманбет Тиле-
вов, Сейдулла Тилекулов, Нурали Ўткел-
боев, Туроб Айдаров, Абдурахмон Ис-
аев синари устозлар ҳам ёш талаба-
нинг зақуқлигини, кенг қамровли билим-
ли эканлигини тенгдошларига намуна си-
фатда доимо кўрсатиб берди.

Ўзбекистонда бўлган адабиётшунос олим,
Бекбергенов эди. У лекция пайтида тала-
ба Кўлдибекнинг исм, шарифини ёлдан
чиқариб қўйса: «Ҳой, Пушкин» дея мура-
жаз қилар эди! Ташкилоти устоз талаба
Кўлдибекнинг келажикда катта умид бу-
лган қараб, ижодий, илмий иш билан ш-
ғулланишга фойдали маслаҳатлари ва
ёрдамчини аямасди.

Ёш талаба Кўлдибек Сейданов устоз-
ларнинг ишончини оқлаш йўлида бор
билими ва қў-ғайратини аямай, эзгулик
сари интилди. Уни доимо халқлар дўстли-
ги, инсоқлиги, бирдамлиги мазмун торта
борди. Муаллимнинг мазкур мазмундаги
мақолалари талабалик йилларидек вил-
оят, шаҳар ҳамда республика ёшлар та-
ғзаларида ёритилди.

Адабиётшунослик тарихидан, назар-
иясидан олган билими «қўрлашган сари
К. Сейдановнинг ҳам қалами ўтиқлаш
торди. Унинг 4-курсда ўқиб юрганда шоир
Тулган Айбергеновнинг «Оруз сафарига»
деб аталган илк шеърлар тўпламига ба-
ғишлаб «Жас алаш» газетасида ёзган тақ-
ризи нафрат шоирлар ва адабиётшунос
олимларни, ўз даврида танқидчиларни
ҳам эътиборини ўзига жалб этди. Шу йил-

лардан бошлаб унинг адабиётлар дўстли-
гига бағишлаб Чўқон, Навоий, Абай, Иб-
раи сингари мутафаккир, маърифатпар-
вар олим, шоирлар тўғрисидаги мақола-
лари ва тадқиқотлари «Туркистон»,
«Ўқитувчилар газетаси», «Қозок адабиё-
ти», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
«Тошкент ҳақиқати» газеталарида ҳам кен-
гирин олди. Ўз вақтида адабиётшунос олим
ва танқидчилардан Мухамеджон Қорато-
ев, Лазиз Қаюмов, Абдулла Тожиев,
Мусулмон Бозорбоев, Заки Ахмедов, Раҳ-
монкул Бердибековлар бўлаҳак тадқиқот-
чининг кенг қамровли фикрини қўлаб-
қувватлаб, унга оқ фотиҳа берди.

1964 йили институтни имтиёзли тугат-
ган иқтидорли талаба Кўлдибек Сейда-
нов Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академиясининг Тил ва адабиёт институ-
тининг адабиётлар алоқаси бўлимида ўз
фаолиятини катта лавозимидан бош-
лади. Мазкур илм масканида Юсуф Сул-
тонов, Хомид Ёқубов, Матёқуб Қўшонов,
Ҳафиз Абдусаматов, Тўра Мирзаев, Ма-
лума Аскароева, Собир Мирвалиев, Ше-
рали Турдиев, Мажид Ҳасанилар билан
бир сафда ишлаб, улардан кўп нарсани
ўрганди.

Кўп илмий изланишлар, ҳамда сама-
рали тадқиқотлар олиб борган қичик ил-
мий ҳодим Кўлдибек Сейданов 1969 йили
машҳур адабиётшунос олим Юсуф Сул-
тоновнинг раҳбарлигида «Ўзбек қозок-
халқлари дўстлигининг икки эл адабиёт-
лиги акс эттирилиши» мазмунда ном-
зодлик диссертациясини муваффақиятли
ёқлади.

18 йил илмий, 12 йил педагогик ва
бугунги кунда журналистик фаолиятини
давом эттириб келаётган адабиётшунос
олим, ёзувчи, шоир, танқидчи, таржумон
«Нурли жол» газетасининг Бош муҳарри-
ри, Қозоғистон Гуманитар Фанлар ака-
демиясининг академиги Кўлдибек Сей-
дановнинг ижодий серқирра, сермахсул-
лиги билан алоҳида ажралиб туради, че-
касиз мунобаға бўлмайди.

Муаллимнинг 13 та китоб бўлиб, доп-
этилган илмий асарларидан «Адабий қар-
дошлик», «Чингиз Айтматов ва ўзбек ада-

Хушамат—оштин

• Халол одамнинг таъмаги учмайдиган халол наъри доимо муттаҳамларни таҳликага солади.
• Киши қанчалик уялган сари у шу қадар эҳтиромга лойиқдир.

«ОБУНА-2002»

XXI АСР-АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР АСРИ

«Адолат»га обуна бўлишни унутманг. «Адолат» энг ўқимишли, энг ранг-баранг ва шу билан бирга энг арзон газета.
«Адолат»нинг нашр кўрсаткичи — 100



• Республикамининг барча алоқа бўлимларида обуна расмийлаштирилмоқда. «Адолат» билан бирга бўлинг!

Ана, холос!

КАБР УЧУН ЕР СОТИБ ОЛДИ

Россиялик машҳур хонанда Алла Пугачёва Йерусалимдаги машҳур қабристонлардан бирдан ўз қабри учун ер сотиб олди. Дарҳақиқат, кўпгина бой-бадавлат ва машҳур кишилар Йерусалимдаги ана шундай қабристондан ер сотиб олишар экан.

Айтишларича, қиёматда дунё бўйича фақат шу қабристон омон қолар эмиш. Нима бўлганда ҳам, Алла Борисовна, қайғу тўғрисида ўйланг, узок яшанг, деймиш.

Кутлаймиз


СЕРҚИРРА ИЖОДКОР

Ёзувчи Аҳдам Дамин ўзига хос серқирра ижодкор. Унинг турли жанрда ёзган асарлари кўзатган киши ёзувчининг илҳомини йилдан-йилга очилиб, мавзу доираси кенгайиб, мазмунан бойиб ва серқирра бўлиб бораётганининг гувоҳи бўлади. Чунки муаллиф ўз асарларига ҳадо берган истеъдод илҳом билан қўл уради.



Шунинг учун ҳам Аҳдам Даминнинг адабиёт майдонига муваффақиятлари тилга олса арзиғулик. Хусусан, ёзувчининг «Журъат» ҳикоялар тўплами, «Футболчи» қиссаси, «Мен сизга айтсам...», «Богдоҳасига қулганда», «Бегуноҳ севги» каби китоблари ва яқингида чоп этилган «Хавт ва ўлим» романи китобхоналар қалбидида чуқур из қолдирган. Умр оқар дарё экан. Яқингида ҳикоялар, ҳажвийларини қўтиқлаб гоҳ газета, гоҳ журналлар таҳрирларига мулоиматинга кириб келаётган ҳушсурад, сертакаллуф, қувноқ, ҳозиржавоб, саховатли йигит бугун 50 ўшни уриб қўйди. Биз Аҳдам Даминга ижод майдонидида шитоб билан от сурдида куч-қувват, омад тилаб қоламиз.

ТАХРИРИЯТ.



XXI аср фожиаи ЖАРГА ҚУЛАЁТГАН ОДАМ

Кулларнинг бирида вилостимизнинг узок туманларидан бирига тўйга бордик. Мехмондорчилик айлани қизиганда солиди ўтирган, юзлари ранглар, куллари асаби титраётган, куллари олайи кетган бир йигит икки хонанда чикиб кела бошлади. Ҳамма-нинг нигоҳи бир муддат ҳалиги йигитнинг аянчили аҳволига қаратилди. Кўпчиликнинг ҳавидан ақдан озган бўлса керак, деган фикр ўтди. Бир маҳал қариди йигит мехмонлар олдиди ўтирган орасига ёпиша кетди. «Матлуб, аям, қани, тез бўл, аямни топ, мен ўйламан...» У тинмай титради, қорини ушлаб ўржақ бўлиб олган. Мен эса қайсидир чет эл фильмида кўрган худди шу ҳолатни энди кўз ўнгимда кўраётгандек қотиб қолгандим.

Аёллар ўртасида «ши-вир-шивир» бошланди. Ҳамма савол назари билан бир-бирига қарайди. Кимдир: «Эссизгина ёлғизлик на ўғли-я, нарқоман бўлиб кетган!» — дея бош чайқайди. Кимдир бу гапнинг моҳиятига етди, кимдир йўқ... Балки тўйга йигитлар ўз ташвиши билан бу воқеани унутиб юборишгандир. Лекин мен бу даҳшатли ҳодисани сира унутолмадим. Айлани билан қўлга ўлганда, тирик мурдага айланган бу йигитнинг аянчили қисмати қалбимни ларзага солди.

Кетаётганимизда кузатиб чиққан онаизор шашхатор кўз ёшларини тия олмади: — Ҳафза бўлмайсизлар энди... Ёлғизгина ўғлим, мен уни ўқияпти, деб юрсам, бу катта шехарда...

Она бечоранинг кўз ёшлари юзидан ювди, томоғига йиғи тикилиб, гапиргани қўймасди...

Минг афсус, вақтни орқага айлантириб бўлмайди. Бу йигитнинг булари бўлиб, чекмас туролмайдиган даражага етиб қолган. Энди ортга ҳам, олдинга ҳам йўл йўқ. Бир сўз билан айтганда, йигит ўтириб болтани олиб, ўз оёқларини, ўз куллари билан кесиб, таш-ташланди энди. Чунки оёғи йўқ одамлар ҳам турли хил ўзига муносиб юмшарини бажариб, оила-сига, жамиятга наф келтиради. Ўзига эса тирик куллардир. Улардан на жамиятга, на оилага наф бор. Аксинча, гиёҳандилар ман-куртга айланган. Миясига фақат бир нарсани хандай қилиб бўлса ҳам анчайин қиммат турувиш шу захри қотилини топиб, асосий қон томирига юбориш, яъни ўз-ўзини оғулад. Улар фақат шу истак дарди билан яшайдилар. Ҳамма кўзга илгичуни нарсаларини сотиб, кейин ўзиники қолмади. Ўзига эса тирик кул олайтириб, жиноятга қўл уради. Натижа эса ҳаммага аён.

Шундай экан, ёшларимизни имконият учун қўйи-дан эҳтиёт қилилайлик. Токи ёшларимизнинг бирортаси ҳам гиёҳандилик деб аталмиш тўбсиз жарга боват қулаб, ёш умри ҳазон бўлмасин.

Мастура САИДУРДОВА, журналист.

Куйинчак газетхон мактуби

НОМИ БОРУ ЎЗИ ЙЎҚ

Тошкент шаҳри шу кунлари ғўзаллиги, кўркемлиги, осмон ўпар бинолари билан ҳар кимни ром этади. Аммо шундай ажойиб шаҳарнинг ҳуснига собиқ иттифокдан қолган айрим ёдгорликлар доғ солмоқда.

Масалан, Ўзбекистон миллий боғининг асосий кириш жойидаги қўл кирғоғида ҳозир бизда йўқ қомсомолнинг 6 та орден ва медаллари тасвири йирик ҳажмда ёпиштирилган. Ундан ташқари шу орден ва медаллар тағидида майдончада Октябрь инқилоби кўргони тасвирланган ҳайкаллар мажмуаси бор. Бу ёдгорликлар мустақиллигимизнинг ўн бир йиллигига қадам қўяётган давримизда ҳам негизий сақланмоқда.

Шунингдек, бундан 30 йил аввал Абдулла Қодирий кўчасида жойлашган 9 қаватли би-

нонинг биринчи қаватида Югославиянинг Скопье (Скопье ҳозир Македониянинг пойтахти) магазини бўлган. Мустақилликдан кейин бу дўкон тугатилди. Лекин шу вақтга қадар ҳам шу 9 қават бинода йирик харфлар билан Скопье сўзи «Скопье» тарзида бузиб ёзилган ҳолда порлаб турибди. Дарвоқе аслида Скопье деган жой бўлмаган.

Халқлар дўстлиги майдони ўртасидаги энг баланд жойга собиқ Иттифокдаги 16 та республиканинг эски герби ўрнатилган. Яқинда бир гуруҳ сайёҳлар буларни кўриб, номи бору ўзи йўқ нишонлар ким учун сақланаётгани ҳақидаги саволга жавоб тополмай қолишди. Балки бунга Тошкент шаҳар ҳокимлигидаги мутасадди раҳбарлар жавоб беришар...

Илҳом ШЕРМУХАММАД.

Халқ табобати

ГРИППНИНГ ДАВОСИ

Гриппга чалинганда бош оғриғи, буриндан сув оқиши, оёқ-қўлларнинг зирқираб оғриши, тана совқотиши кузатилади. Грипп оғир асоратлар қолдириши мумкин. Шунинг учун уйда хонани иссиқ тутиб, ўрин-кўрпа қилиб ётиш керак, дориларни эса шифокор маслаҳати билан ичиш лозим.

Халқ табобатида қуйида-ни доривор мева-лар ва ўсимликлар билан ҳам бу касаллиқни даволаш мумкин:

1. Қора смородинадан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан, қайнаб турган сув қуйиб, устига қора смородина баргидан майдалаб, 2 ош қошиқ солинади ва 40 минут дамбаб қўйилади. Сунгра докдан сузилади. Дамламадан кунига овқатдан олдин ярим стакандан ичилади.
2. Анжирнинг сутда пиширилган меваси ёки унинг қайнатмаси (баъзан мевасининг ўзи) кўкрак юмшатувчи дори сифатида йўтал, кўкйўтал, бронхит ва нафас йўлларидаги даволаш касаллиқларини даволаш учун қўлланилади, қайнатмаси билан томоқ чайилади. Анжирнинг қуритилган мевасини (қоқисини) майдалаб, бир ош қошиқда олинади, икки стакан қайнаб турган сутга солиб, 10 минут қайнатилади ва сови-гач, докдан ўтказилади. Кунига чорак, ярим стакандан овқатдан олдин ух маҳал ичи-лади.
3. Гриппдан нафас йўлла-ри шомоллаганда пивзни май-далаб тўғраб, эзилади ва би-

рон идишга солиниб, бошга каттароқ рўмол ёпиб, хид-ланса ёки пивз ширасидан бурунга 1-2 томчи томизил-са, яхши натижа беради. Икки донга ўртача пивз бо-шини майда тўғраб, оғзи ёпиладиган идишдаги бир стакан сутга солиб қайнати-лади, 4 соат қуйиб қўйи-лади. Сунгра докдан сузилади ва йўталга даво қилинади. Бунинг учун ҳар 2-3 соатда қайнатмадан икки ош қошиқ-дан истеъмол қилинади.

4. Грипп касаллиги авж олган пайтларда исирқиқни тутатиб, бемор ётган хонани дезинфекция қилиш яхши натижа беради. Исирқиқни қайнатмаси билан томоқни чайиш ҳам яхши наф бера-ди.

Ақром ХОТАМОВ.

ЛОФЧИЛАР БЕЛЛАШГАНДА

— Лофчининг беш яшар ўғли боғчада бошқа бир лофчининг 5 яшар ўғлига мактабди:
— Дадам туғилган кунимга «Мерседес» совға қилмоқчида, зўрми?
— Иккинчи лофчининг ўғли қошини чимириб, деди:
— Шу ҳам совға бўлмиш?
— Менинг дадам туғилган кунимга янги она олиб келмоқчида.

Икки лофчи кўчада кетишавтиб тўққизинчи қаватнинг томида турган мушукни кўриб қолишди. Шунда бири иккинчисига:
— Эй, анави мушукка қара, бургаси бор экан, — дебди. Иккинчи лофчи ҳам бундай келди.
— Яхшилаб разм солинг, ўша бурга эркак бурга экан, — дебди пинагини бузмасдан.

АЙРИМ ХАСТАЛИКЛАР УЧУН ЯНГИ МУОЛАЖА

1. ГИЙБАТ
Бу ўта хавфли бўлган касаллик, ҳаммага маълум-ки, унинг хуружидан қанча-қанча оилалар бузилб кетди, ораларидан қил ўтмайдиган дўстларга ни-фок тортилиши мумкин. Бу дардга чалинганларни кутқариш ҳам қийин. Сабоби, ўзиниғизга маълумки, ўрганган кўнгил ўлганда қолур, деганлар. Энг асо-сий омил фақат битта. У ҳам бўлса, ана шу дард билан касалланган кишилардан қочиб. Чунки ширин сўбатиниғизга ўлар аралашини, тамом дөвөрини... Улардан ҳоварсангиз шонидан қурмак ажралган-дай, ўлар саралиниб қолишди. Натижада бора-бора йўқ бўлиб кетишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

2. ТУХМАТ
Тухматчи ҳам сиз ва бизга ўшаган оддий одам. Фақат улар ёшлиқларидан кўпроқ ёлғонга берилиб кетадиларда бора-бора тухматчи бўлиб етишадилар. Тухмат балосига учраганлар эса бир умр эсдан чиқмайдиган мажруҳликка учраб қоладилар. Тухмат балосидан камдан-кам кишилар соғ-омон чиқадилар. Яхшиси улардан қутилиш учун туну кун худудан ёрдам сўраган маълум. Баъзида қилин қирқ ёрдагидан қонуншунослар ҳам улар олдида ожизлик қилишди. Бу касалликка энди интилаётган кишиларни ўз вақтида фақат очикчасига сазоий қилиб, қутқариб қолиш ҳам мумкин. Тухмат балосидан ўзи сақласин.

Мадамин СОДИКОВ.

ФАРЗАНД ҚУТАЁТГАН БЎЛСАНГИЗ...

Шарқда тақдирнинг, эртанги куннинг нима бўлиши Тангри та-олонинг ўзи биладиган гайб иш-лар ҳисобланганидек, тугилажак фарзанднинг ўғил ёки қиз бўли-шини ҳам ёлғиз Яратқанининг ўзи билади, деб иймон келтирилади. Қадимги Хитой олимлари узок йиллик тажрибаларини умумлаш-тириб, ҳомиланинг ўғил ёки қиз бўлиб туғилиши жадвалини тузиб чиққанлар. 1 г 0,1 фойизга адашиши мумкин.

Ундаги 18 дан 45 гача бўлган ра-қамлар айланиб ўзини, X — ўғил-ни, O — қизни билдиради.

Айтайлик, айланиб ёши 25 да, у август ойида (Хитой тақими буйи-ча) ҳомилдор бўлган бўлса, ўғил қўради, иншоллох. Чунки 25 ва ав-густ кесишган каттада X — ўғил белгиси турибди. Жадвал мутлоқ тўғрилиқ даъво қилмаса-да, у ати-бинонинг биринчи қаватида Югославиянинг Скопье (Скопье ҳозир Македониянинг пойтахти) магазини бўлган. Мустақилликдан кейин бу дўкон тугатилди. Лекин шу вақтга қадар ҳам шу 9 қават бинода йирик харфлар билан Скопье сўзи «Скопье» тарзида бузиб ёзилган ҳолда порлаб турибди. Дарвоқе аслида Скопье деган жой бўлмаган.

Халқлар дўстлиги майдони ўртасидаги энг баланд жойга собиқ Иттифокдаги 16 та республиканинг эски герби ўрнатилган. Яқинда бир гуруҳ сайёҳлар буларни кўриб, номи бору ўзи йўқ нишонлар ким учун сақланаётгани ҳақидаги саволга жавоб тополмай қолишди. Балки бунга Тошкент шаҳар ҳокимлигидаги мутасадди раҳбарлар жавоб беришар...

Илҳом ШЕРМУХАММАД.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Т. О. ДАМИНОВ, А. Ф. ГУЛОММАХМУДОВ, А. ЖҲУРАБОВ, Р. З. АХМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ХАЙДАРОВ, К. РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Д. К. КИРГИЗБОВ (Бўлим мудири), Р. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, У. Ф. ЖҲУРАЕВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОН-ХОНОВ.

Мўлоқот учун телефонлар:

Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.

Навбатчи — Илҳом СИДДИКОВ
Саҳифаловчи — Бахтиёр ҚУШОҚОВ



— Катта бўлсам албатта полвон бўламан!

Газетхон илҳоми

ЖОНИН НИСОР ЭТСИН ОНАСИ БОРЛАР

Шоҳиста Ўлжаеванинг асли касби педагог. Бўш пайтларида шеърлар ҳам ёзиб туради. Биз унинг ижод бўстига назар ташлаб, машқларидан оз-гинасини сиз газетхонлар ҳукмига ҳавола этишни лозим топдик.

ТЎРТЛИКЛАР

Севгилим, дунёда борингга шукур, Бошимга ёддирган қорингга шукур, Сени халинган излайман паноҳ, Дилимни уйнатган торингга шукур.

Баъзида оловдай ёнасан ёрим, Баъзида севгидан тонасан ёрим, Довулда кемамда собит бораман, Аммо сен ҳасратда қоласан ёрим.

Қўшним онасига ифтор тайёрлар, Савобин онаси қизига ёрлар, Минг бора ўргилсақ арзир онадан, Жонин нисор этсин онаси борлар.

Оламдан ўтдилар зўрлардан-да зўр, Соғ-у, ҳар аззоси кўрлардан-да кўр, Боболар бойлиги на шухрат, на зар, Мероси ибратдир, ҳосилини ўр.

Шоҳиста ЎЛЖАЕВА.

Икки ўғри суҳбатла-шяпти:

- Тўғрилиқ яхши-да! Буни кеча билдим.
- Ҳўш?
- Эсингдами, тунов кун бир ҳовлидан эски бир тор-ни ўғирлаб келгандим.
- Эсимда.
- Ўша торни сотаман деб, ун кун оворая, сар-сон бўлдим, бирор бир сўм бермади. Охири эгасига олиб бориб берган эдим, раҳматлар айтиб, суюнчи-сига минг сўм берди.

Ойна жаҳонда бади-ий фильм тугагандан сўнг хотин эридан сўра-ди:

- Йигитни кўрдингиз-ми, қизни нақадар севар экан. Сиз ҳам шундай сева olasизми?
- Ҳа, чиройли қиз экан, сева арзийди.

— Дўхтир, негадир ме-нинг оёқларим йилдан-йил-га қорайиб кетаяпти. Врач микозининг оёқла-рига узок тикилиб сўради:

Келинг, бир кули-шай-лик!

— Сиз оёқларингизни ҳеч ювганмисиз?

— Нима деб ўйлайсиз, фой-даси бўлармикан?

Ошхонада қозон-товоқ юваётган отасидан ўғли сўради:

- Ота қўш хотинли киши қандай бўлади?
- Қўш хотинли шундай бўладики, менга нисбатан икки баравар кўп қозон-то-воқ ювади.

Йўл назоратчиси шира-кайф ҳайдовчидан сўрапти: Шундай аҳволда рулга қандай қилиб ўтирдиз?

- Албатта бу менга жуда қийин бўлди, аммо дўстларим

ёрдан берворишди, — деди ҳайдовчи. — Яшасин улар!

— Автоустахона эшити-ди...

- Марҳамат қилиб ме-ханикни жўнатинг, маши-намни юргиза олмаям-ман.
- Нима бўлди?
- Карбюраторга сув кириб қоплипти, шекилли.
- Яхши, уста жўна-тиз. Қардасиз?
- Қўприқнинг тағида... соҳилдан ўн метрча на-рироқда...

Сартарош чуқур ажин босган микозининг соқоли-ни оляпти. Осон ва хавф-сизроқ бўлиши учун унинг озгизга пластмасса шарча-ни тикиб қўйди.

— Нега ўтган гал шарча бермовдингиз? — сўрапти микоз.

— Бир аблаҳ ютиб юбо-рувди, фақат бугун келти-риб берди.

Ҳазратилло РҶЗИЕВ тўплаган.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ
АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республи-каси Марказий банки 2001 йил 16 октябрдан бошлаб валюта опера-циялари бўйича бухгалтер-ия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийда-ги қийматини белгилади: 1 АҚШ доллари 430 сўм 69 тийин.

«Адолат» газетаси тах-ририяти қўлаб қаламқаш-ларнинг таниқли устози, олим ва журналист Баҳром РИХСИЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чу-қур ҳамдардлик билдира-ди.

— Тоша асал деб сотиб, бизни номимизни бул-гаётган сенмисан? — Мана сenga!..
А. ҲАКИМОВ чизган сурат.

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийосий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

Мўлоқот учун телефонлар: Қабулхона — 133-41-89. Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.

Навбатчи — Илҳом СИДДИКОВ
Саҳифаловчи — Бахтиёр ҚУШОҚОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г — 2936, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А — 2. Адади: 1391. Газета IBM компьютерида терилди.

Қўлзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босмага ташкироти вақти — 20.00. Босмага ташкиротида 20.00.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.